

## Ўзбекистон ТИВ Ғазодаги касалхонага уюштирилган ҳужум юзасидан баёнот берди



14:05 / 18.10.2023 1883

«Ғазо секторидаги «Ал-Аҳли» касалхонасига уюштирилган ҳаво ҳужуми оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдик», – дейилади баёнотда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ғазодаги касалхонага уюштирилган авиазарба ҳужумини кескин қоралашини [маълум қилди](#).

Бу даҳшатли зўравонлик ҳаракати кескин қораланди ва буни халқаро гуманитар ҳуқуқнинг қўпол бузилиши деб ҳисоблади.

Вафот этганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирган ҳолда, можаро томонларини зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга ҳамда ўт очишдан тийилишга чақирди.

17 октябрдан 18 октябрга ўтар кечаси Ғазо секторида «Ал-Аҳлий ал-Маъданий» баптистлар шифохонаси Исроил томонидан авиазарбага [дучор бўлган](#). Турли манбаларга кўра, зарба натижасида тинч аҳоли

вакилларидан 500 дан 810 нафаргача бўлган инсон ҳалок бўлган.

Ҳолат юзасида [баёнот берган](#) БМТ бош котиби Антониу Гутерриш Ал-Аҳли касалхонасига қилинган ҳужумни «энг кучли тарзда» қоралади. Европа кенгаши раҳбари Шарл Мишел ҳам ҳужумни халқаро ҳуқуқнинг бузилиши деб атади.

Шунингдек, ўнлаб давлатларда ҳужум муносабати билан норозилик намоёишлари бўлиб ўтмоқда.

**Манба: [mfa.uz](#)**